

Савол:

От гўштининг хукми нима?

Жавоб:

От гўштини емокни Имом Абу Ханифа макрух деганлар, шогирдлари имом Абу Юсуф ва Мухаммадлар халол деганлар. Аксар уламолар шогирдларнинг кавлини олиб от гўштини халол деганлар. Баъзи ривоятларда Имом хам ушбу сўзга кайтган дейилган.

Асмо розияллоху анҳо дейдилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида от сўйдик ва едик» Имом Бухорий ривояти.

Жобир ибн Абдуллоҳ хабар килишича «набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни (жанги)да (хонаки) эшаклар гўштидан кайтардилар ва от гўштига рухсат бердилар». Имом Бухорий ривояти.